

Одамларнинг сирларига қулоқ тутиш - жосуслик



15:10 / 05.06.2019 2783

Аллоҳ таоло айтади:

«(Ўзгаларнинг айблари ортидан) жосуслик қилиб юрманглар...», деган (Хужурот сураси, 12-оят).

Яъни, бир киши бошқа бир биродарининг айбини қидирмасин. Аллоҳ беркитган нарсани қилишга уринмасин. Муфассирлар: «Жосуслик - мусулмонларнинг айбу нуқсонларини қидириш», деганлар.

Ибн Масъуд розияллоҳу анхуга: «Валид ибн Уқбанинг соқолидан хамр томиб юради», дейишган эди, у зот: «Батаҳқиқ, биз жосуслик қилишдан қайтарилганмиз. Бироқ, унинг ростдан ҳам ичувчи экани маълум бўлса, уни жазолаймиз», дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ким бир қавмнинг гапларига, улар ёқтирмасалар-да, қулоқ солса, қиёмат кунида унинг қулоқларига эритилган қўрғошин қуйилади».

Аллоҳдан Ўзи яхши кўрган ва рози бўлган ишларига муваффақ этишини сўраймиз. У марҳаматли, саховатли зотдир.